# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ БУЛОҚБОШИ ТУМАН КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Булоқбоши ш.

2020 йил 28 декабрь 55/19-6

**Булоқбоши туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига мувофиқ, 2021 йилда Халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларини бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олидаги ҳисоблорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур конуннинг 18-моддасига асосан 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги 2020 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-657-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилда Булоқбоши тумани (кейинги ўринларда Туман деб аталади) маҳаллий бюджети даромадлари 34 млрд. 592.2 млн. сўм, харажатлари 98 млрд. 787.4 млн. сўм миқдорида прогноз қилинганлиги, туман маҳаллий бюджетига вилоят бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 64 млрд. 195.2 млн. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2021 йилда:

**Солиқларнинг қуйидаги турлари туман бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:**

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага берилиши олдидан йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосан тўланадиган

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек ер қаърларидан фойдаланган жисмоний ва юридик шахслар зиммасидаги бошқа солиқлар;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек экология органлари томонидан ўзлаштирилган солиқ мустасно;

ер ости материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

3. Ҳукуматнинг томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси борасида туман маҳаллий бюджетларининг харажатлар таркибига қўшимча ўзгартиришлар киритилган ҳамда молияштириш тартиби қўшимча белгиланган:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва оммавий спортни янада ривожлантиришга чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-6099-сонли фармони ижроси борасида туман "Жисмоний тарбия ва спорт" бўлимига қўшилиб мажмуа берилсин ҳамда бўлимнинг сақлаб турилиш билан боғлиқ харажатлари туман маҳаллий бюджетидан молияштирилсин.

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КК-161-IV-сонли қарорига асосан туман халқ депутатлари Кенгаши котибияти ташкил этилсин ҳамда сақлаш харажатлари белгиланган тартибда туман маҳаллий бюджетидан молияштирилсин.

4. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Бухоқбоши туман харажатларининг 2021 йил учун асосий кўрсаткичларининг соҳалар кесимидаги чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимоти ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси ва туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилишини белгилаб қўйилсин.

Қонуннинг 12-моддаси тўртинчи қисмига халқ депутатлари туман Кенгашларига берилган ваколатга кўра, маҳаллий ҳокимликларни кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш бўйича маъсулиятини ошириш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида.

- айланмадан олинадиган солиқ ва давлат активларини ижарага беришдан тушумлар бўйича туман маҳаллий бюджетига ўтказилаётганини.

- мобил алоқа хизматлари ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи бўйича тушумлар тегишлича 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра туман аҳолиси сонининг вилоят аҳолиси сонидаги улушига мувофиқ туман маҳаллий бюджетига ўтказилаётганини.

-жисмоний шахслардан олиналиган даромад солиғи вилоят бюджети ҳамда туман маҳаллий бюджети ўртасида 75:25 нисбатда тақсимланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар ва харажатлар прогноз кўрсаткичлари 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгилансин.

9. 2021 йил учун туман ҳокимлиги захира жамғармаси ҳажми **978 млн. сўм** миқдорида белгилансин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий бекарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилишини таъминласин.

10. Туман бюджетининг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги карорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлигининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилинади.

Туман ҳокимлиги туман бюджетининг қўшимча манбаларининг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиради.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 4-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликларнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиши эҳтимоли бўлмаса Вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштиришга юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритсин.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга оширилаётган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджетининг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Туман маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек, қурилиш таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар туман ҳокимлигининг расмий веб сайтига мажбурий тартибда жойлаштириб борилсин.

4. Туман ҳокимлиги

ҳудудий бюджетларни биринчи навбатда ижтимоий ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган, аҳоли-ижтимоий ва тўри-тармоқ ва коммунал хизмат кўрсатиш харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантиради.

15. Вазирлик ҳудудларининг, шунингдек, вилоят ташкилотларининг туманлараги ўрганиш бўйича тузилган йўл харитлари ҳамда йиғилиш баённомалари билан маҳаллий бюджетнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятни оширишга қаратилган зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни устидан қатъий назоратни ўрнатишни учун туман Кенгашига маълумот киритсин.

17. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва йўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий islohotларни амалга оширишни ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Бўлақбоши**
**туман Кенгаши раиси** Ў.Мамуров

Халқ депутатлари
Бўлокбоши туман Кенгашининг
2020 йил «____» _____даги
_____-сонли қарорига
1-илова

# Бўлокбоши туманининг маҳаллий бюджети даромадларининг 2021 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

| | Даромад турлари | Миқдори |
|---|---|---|
| 1 | Фойда солиғи | |
| 2 | Аниқланган олинадиган солиқ | 8 [illegible] |
| 3 | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 8 [illegible] |
| 4 | Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 1 [illegible] |
| 5 | Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдан олинадиган солиқ | |
| 6 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | |
| 7 | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 3 [illegible] |
| 8 | Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи | |
| 9 | Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи | 3 [illegible] |
| 10 | Қурилиш материаллари бўйича ер қазилма фойдаланганлик учун солиқ | 3 [illegible] |
| 11 | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 100 000,0 |
| 12 | Давлат божи | |
| 13 | Жарималар | |
| 14 | Давлат унитар корхоналари дивиденд тушумлари | |
| 15 | Давлат мулки бўйича ижара тўловлари | 25 000,0 |
| 16 | Иктисослар | |
| | **ЖАМИ** | **22 872 750,0** |
| | **Мобиль алоқа хизмати ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан тегишли равишда ўтказиб берилдиган даромад** | **11 719 510,0** |
| | Алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво | 7 [illegible] |
| | Мобиль алоқа хизмати | 4 [illegible] |
| | **ЖАМИ ДАРОМАД** | **34 592 260,0** |
| **Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар** | | **64 195 210,0** |
| | **Хамма даромадлар** | **98 787 470,0** |

Халқ депутатлари
Булокбоши туман Кенгашининг
2020 йил «____» _____ даги
_____-сонли қарорига
2-илова

**2021 йил учун Булокбоши туман махаллий бюджетидан маблағ билан таъминланувчи муассасаларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари**

минг сўмда

| № | ХАРАЖАТЛАР | Миқдори |
|---|---|---|
| **1.** | **Ижтимоий соха ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами** | **83 883 506** |
| 1.1 | Маориф | 13 663 939 |
| | шундан: - мактабгача таълим | 7 837 228 |
| | - умумий таълим | 5 826 711 |
| | - кадрлар тайёрлаш | |
| 1.2 | Соғликни сақлаш | 46 062 674 |
| 1.3 | Маданият ва оммавий ахборот воситалари | 1 256 867 |
| | Спорт | 2 638 487 |
| 1.4 | Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафакалар ва компенсациялар | 20 261 539 |
| **2.** | **Иқтисодиётга харажатлар** | **5 893 426** |
| 2.1 | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 227 894 |
| 2.2 | Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари | 808 418 |
| 2.3 | Ветеринария қўмитаси | 480 227 |
| 2.4 | Ободонлаштириш | 4 376 887 |
| **3.** | **Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари** | |
| **4.** | **Давлат бошқаруви идоралари** | **4 522 422** |
| **5.** | **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш** | **3 510 022** |
| **6.** | **Захира жамғармаси** | **978 094** |
| | **ХАРАЖАТЛАРНИНГ ҲАММАСИ** | **98 787 470** |

Ҳокимнинг ... йилдаги
... тумани ҳокимининг
2020 йил ... даги
... сонли қарорига
...-илова

[illegible] тумани маҳалла[illegible] кўрсаткичлар [illegible]

| [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | [illegible] тумани | [illegible] | 990 | 23 | 70 | 14 | 37 | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | [illegible] | | | |

[illegible]

Халк депутатлари
Булокбоши туман Кенгашининг
2020 йил «____» _____даги
_____-сонли қарорига
4-илова

# Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил даромадлари ва харажатларининг прогнозлари

минг сўмда

| № | Ҳудуд номи | Даромадлар* | Харажатлар |
|---|---|---|---|
| 1 | Булокбоши тумани | 34 592 260.0 | 98 787 479.0 |

* Мобиль алока хизмати ва алкоголь махсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиги тушумларидан ажратиладиган маблағларни инобатга олган холда

Халқ депутатлари
Бўлокбоши туман Кенгашининг
2020 йил «____» _____ даги
_____-сонли қарорига
5-илова

## Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил ва юқори бюджетлар ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори

млн сўмда

| № | Ҳудуд номи | Тартибга солувчи трансферт миқдори |
|---|---|---|
| | Бўлокбоши тумани | 64 195 210,0 |